VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Юк ташиш. Автомобиль транспортида 13,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб,бу 2018 йилнинг январь–июнга нисбатан 3,9 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 244,5 млн.тн–км.га етди ва 9,6 фоизни ташкил этди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2018 йил январь-июнга нисбатан 102,7 фоизга кўпайди ва 71,0 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 29,0 фоизни ташкил этди (2018 йил январь-июнда 31,0 фоиз).

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг юк ташиш бўйича улуши 95,4 фоизни ташкил этган.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича ифодаланиши

	2019 йил январь-июнь	***2018 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида***
Ташилган юк, млн. тн	13,3	103,9
шу жумладан:		
Автомобил транспортида	13,3	103,9
Юк айланмаси, *млн. тн-км*	230,6	102,9
шу жумладан:		
Автомобил транспортида	230,6	102,9

Йўловчи ташиш. 2019 йил январь-июнда барча транспорт турлари томонидан 230,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,9 фоизга кўпайган.

Йирик корхоналар бўйича:

Вилоятда кузатилаётган даврда автотранспорт иши бўйича ҳажмли корхоналар сони 39 тани ташкил этиб, улар томонидан қуйидаги асосий кўрсаткичлар шаклланди:

Ташилган юклар ҳажми 0,6 млн.тонна, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 92,6 фоизни ташкил этди (жами вилоятда ташилган юклар ҳажмидаги улуши 4,6 фоиз);

Юк айланмаси ҳажми 19,9 млн. тн-км, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 72,9 фоизни ташкил этди (жами вилоят юк айланмаси ҳажмидаги улуши 8,1 фоиз);

Ташилган йўловчилар ҳажми 5,1 млн. йўловчи, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,1 фоизни ташкил этди (жами вилоятда ташилган йўловчилар ҳажмидаги улуши 2,2 фоиз);

Йўловчи айланмаси ҳажми 83,1 млн. йўловчи-км, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,2 фоизни ташкил этди (жами вилоят йўловчи айланмаси ҳажмидаги улуши 1,9 фоиз).

Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 102,7 фоизга кўпайиб, 4379,6 млн. йўловчи-км ни ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг йўловчи ташиш бўйича улуши 97,8 фоизни ташкил этган.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2018 йил январь-июнга нисбатан 101,8 фоизга кўпайди ва 3990,0 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 91,1 фоизни ташкил этди (2018 йил январь-июнда 91,9 фоиз).